

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК
ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ,
НОРМАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИНИ (0022-22-СОН САНҚВАН)
ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 6 июнда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 89]

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги түғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадабирлари түғрисида»ги **Фармонига** мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қарор қиласди:

1. Қурилиш ишларини ташкил қилиш бүйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0022-22-сон СанҚвАН) **иловага** мувофиқ тасдиқлансан.
2. Қурилиш ишларида ва қурилишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бүйича гигиеник талабларнинг санитария **қоидалари** (0289-10-сон СанҚвАН, 2010 йил 15 ноябр) ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Б. ЮСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 17 май,
0022-22-сон

Келишилди:

Қурилиш вазири

Б. ЗАКИРОВ

2022 йил 27 апрель

**Экология ва атроф-мухитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси раиси**

Н. ОБЛОМУРАДОВ

2022 йил 14 май

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг 2022 йил 17 майдаги 0022-22-сон қарорига
ИЛОВА

Курилиш ишларини ташкил қилиш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0022-22-сон СанҚвАН)

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан бўён матнда санитария қоидалари деб юритилади) қурилиш ишларини ташкил қилишда ишчилар ҳамда ушбу худуд атрофида яшовчи аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига етказилиши мумкин бўлган заарали омилларни олдини олиш ва уларнинг таъсирини камайтиришга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур санитария қоидалари бино ва иншоотларни куриш, кенгайтириш, қайта куриш, техник қайта жиҳозлаш, мукаммал таъмирлаш ва бузиш бўйича фаолият олиб борувчи барча жисмоний ва юридик шахслар учун мўлжалланган.

2. Қурилиш ишларини амалга оширувчи барча субъектлар ишчиларнинг соғлиғига қурилиш ишлари билан боғлиқ заарали омиллар таъсир этиши ва қасб касалликлари юзага келишини олдини олиш мақсадида санитария-профилактик чора-тадбирларни амалга оширишлари лозим.

3. Бино ва иншоотларда қурилиш ишлари бошланишидан олдин ШНҚ-3.01.01 «Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш» да назарда тутилган тайёргарлик ишлари ўtkазилади.

Хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсири остида бўлган қурилиш майдонлари ва участкалари ГОСТ 23407 «Қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган қурилиш майдонлари ва участкаларини тўсиклар билан ўраш» талабига мувофиқ ҳимоя тўсиклари билан, яширин (потенциал) хавфли ишлаб чиқариш омиллари таъсирида бўлган зоналар эса ГОСТ 12.4.059 «Мехнат хавфсизлиги стандартлари тизими. Қурилиш. Хавфсизлик тўсиклари. Умумий техник шартлар» талабига мувофиқ бўлган тўсиклар билан ўралган бўлиши, шунингдек ГОСТ ISO 3864-1 «График белгилар. Сигнал ранглари ва хавфсизлик белгилари. 1-қисм. Сигнал ва белгиларни лойиҳалаштириш тамойиллари»га мувофиқ бўлган хавфсизлик белгилари ўрнатилиши лозим.

4. Бино ва иншоотларда қурилиш ишларини бошлашдан аввал қурилиш майдони барча турдаги чиқиндилардан тозаланади.

5. Қурилиш майдонида вақтинчалик электр, ёритиш, сув ва оқова сув тармоқлари ташкил этилади.

6. Қурилиш майдонлари ва иш жойларининг бир хилда ёритилиши таъминланади. Қурилиш ишлари олиб бориладиган майдонлар ва бинолар ичидаги сунъий ёритилганлик даражаси ШНҚ 2.01.05 «Табиий сунъий ёритиш» талабларига мувофиқ бўлиши керак.

7. Қурилиш майдонлари ва жойларини ёритиш учун стационар ва кўчма ёритиш мосламаларидан (очиқ газ разрядли ва колбали чуғланма чироқлардан фойдаланмаган ҳолда) фойдаланилади. Кўчма ёритиш мосламалари қурилиш майдонининг иш жойларида ва транспорт йўлларида жойлаштирилади.

2-боб. Иш жойларининг санитария-гигиенаси бўйича умумий талаблар

1-§. Шовқин, микроқлим ва тебранишга қўйиладиган талаблар

8. Қурилиш ишлари олиб борилишида микроқлим ҳолати СанҚвАН 0324-16 «Ишлаб чиқариш бинолари микроқлимининг санитария-гигиена нормалари»да белгиланган миқдорда бўлиши керак.

9. Қурилиш жараёнидаги чанг ҳосил бўлиши мумкин бўлган ишларда чанг ҳосил бўлишига ва тарқалишига йўл қўймайдиган ёки чанг миқдорини камайтиришга қаратилган куйидаги чора-тадбирлар белгиланади:

қурилиш майдони атрофига чанг тарқалишига тўсқинлик қиласидан қурилмалар ўрнатиш;

қурилиш майдонидан чиқишдан олдин қурилиш техникалари ва транспорт воситаларини, шу жумладан уларнинг филдиракларини ювиш учун қурилиш майдонида транспорт воситаларини ювиш шахобчаси ташкил этиш;

бинодаги қурилиш ишларини чанг тарқалишига йўл қўймайдиган материаллар билан ўралган ҳолда олиб бориш лозим.

10. Таркибида асбест бўлган тўсик ва конструкцияларни бузиш ва таъмирлаш, шунингдек уларни қурилиш майдонларига ўрнатиш бўйича ишлар ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ёки қурилиш ишчилари томонидан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Таркибида асбест бўлган маҳсулотлар намланган ҳолда ташилиши ҳамда иккиламчи чанг ҳосил бўлишининг олдини олиш учун барча асбест чиқиндилари нам ҳолатда чиқариб ташланиши лозим.

11. Заарли кимёвий моддалар ҳосил бўлиши билан боғлиқ ишлар ҳаво алмашиши яхши йўлга қўйилган хонада олиб борилади.

12. Иш жойлари ҳавосидаги заарли моддалар миқдори СанҚвАН 0294-11 «Иш жойлари ҳавосидаги заарли моддалар рухсат этилган миқдорининг гигиена нормативлари»да белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.

13. Атроф-мухитга чанг зарраларининг тарқалиши натижасида ишчилар ҳамда мазкур ҳудудда яшовчи аҳолининг нафас олиш тизимига жиддий заар етказилишининг олдини олиш мақсадида, қурилиш ишлари олиб борилаётган жойлардаги транспорт воситалари юрадиган йўллар чанг ҳосил қиласидан қопламалари (асфальт, бетон) билан қопланган билан қопланган бўлиши керак.

14. Қурилиш майдони ва ҳудудида ускунга ва қурилмалар ишлаши натижасида ҳосил бўладиган шовқин даражаси СанҚвАН 0325-16 «Иш жойларида рухсат этилган шовқин даражаси бўйича санитария меъёрлари»да белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

15. Қурилмаларни ишлатишда иш жойларидаги шовқин даражасининг заарли таъсирини камайтириш мақсадида қўйидаги тадбирлар амалга оширилиши максадга мувофиқ:

қурилмадаги шовқин ҳосил қиласидан манбадаги ва иш жойларидаги шовқин даражасини рухсат этилган миқдордан юқори бўлишининг олдини оладиган технологик жараёнларни татбиқ қилиш ёки бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

масофавий бошқариш;

шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;

мехнат қилиш ва дам олишнинг оқилона тартибини танлаш, иш жойларидаги шовқининг таъсир вақтини қисқартириш ва бошқа ташкилий тадбирларни ўтказиш.

16. Шовқин даражаси 80 дБА дан юқори бўлган жойларда хавфлилики кўрсатувчи белгилар ўрнатилади ва шу тоифадаги иш жойларида ишчилар шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда ишлаши лозим.

17. Ишчиларнинг саломатлигига жиддий заар етказилишининг олдини олиш мақсадида қурилиш ишлари шовқин даражаси 135 дБА дан юқори бўлган жойларда олиб борилмайди.

18. Иш жойларида тебраниш даражаси СанҚвАН 0326-16 «Иш жойларида умумий ва маҳаллий тебраниш бўйича санитария меъёрлари»да белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

19. Тебранишнинг заарли таъсирини бартараф этиш учун қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

конструктив ёки технологик чоралар орқали ҳосил бўлиш манбасидаги тебранишни камайтириш;

тебранишни алоҳидалаш ва тарқалишини камайтириш;

масофавий бошқариш;

шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;

мөхнат қилиш ва дам олишнинг оқилона тартибини танлаш ва бошқа ташкилий тадбирларни ўтказиш.

20. Бўёқ ва бошқа шу каби заарали моддалар ишлатиладиган ва тайёрланадиган иш жойларидағи ҳавонинг алмасиб туриши учун ШНҚ 2.04.05 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабларига мувофиқ бўлган механик вентиляция тизими билан таъминланган бўлиши керак.

2-§. Курилиш маҳсулотлари ва хом ашёларини сақлаш ва ташиш

21. Таркибида заарали моддалар бўлган кукун ва бошқа сочилиб кетувчи курилиш маҳсулотлари герметик ёпиқ идишда сақланади.

22. Курилиш майдонида қурилиш маҳсулотлари ва хом ашёларидан уларнинг худуд бўйлаб сочилиб кетиши ва оқиб кетишига йўл қўймаган ҳолда фойдаланилади.

23. Курилиш майдонига маҳсулот ва хом ашёларни етказиб бериш ёки уларни қурилиш майдони худудида сақлаш ва ташиш бўйича барча ишлар жароҳатланишлар, ишчиларнинг жисмоний толикиши, шунингдек уларни заарали моддалар билан бевосита алоқасини истисно этадиган ва оғир мөхнатни имкон қадар камайтирувчи усуллар билан олиб борилиши лозим.

24. Оғирлиги 50 кг дан ортиқ бўлган, шунингдек 2 метрдан юкори баландликка кўтариладиган юкларни ортиш ва тушириш ишлари механизациялаштирилган усул орқали амалга оширилиши лозим.

3-§. Пайвандлаш ва кесиши ишларини бажариш

25. Ўрта ва кичик ҳажмдаги буюмлар маҳсус жиҳозланган жойларда пайвандланади. Маҳсус жиҳозланган жойнинг устки қисми очиладиган ва ёнмайдиган материалдан тайёрланади. Битта пайвандлаш жойи учун энг камида 3 м² майдон, пайвандланадиган жиҳозларни сақлаш, пайвандлаш ускуналари, стол, маҳаллий сурувчи вентиляция қурилмасини жойлаштириш учун эса етарли миқдорда жой ажратилади.

26. Касб касалликлари келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, маҳаллий сурувчи вентиляция тизими ўрнатилган ёпиқ ва майдони чекланган пайвандлаш ўтказиш жойларида ҳаводаги заарали моддалар миқдори рухсат этилган миқдордан юкори бўлмаслиги керак.

27. Юкори нур қайтариш хусусиятига эга бўлган маҳсулотларни (алюмин, асоси титан бўлган қотишка, занглаштирилган пўлат) пайвандлашда электр пайвандловчилар ва яқин атрофда ишловчиларни оптик нурланиш таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида пайвандлашдан ҳимоялаш учун экран (кўчма ёки ўрнатилган) ўрнатилади ва пайвандланадиган маҳсулотлар юзаси ёпилади.

28. Вертикал ҳолатда турли хил даражада пайвандлаш ишлари бажарилганда, мазкур ишлар пайвандлаш даражасидан пастда ишлайдиган ишчиларни тасодифан тушадиган буюмлар, электрод қолдиқлари, металл бўлаклари ва бошқа нарсалардан ҳимоя қилишни таъминлаган ҳолда амалга оширилади.

4-§. Изоляция ишларини бажариш

29. Кимёвий моддалар ажраладиган изоляция ишларини олиб бориш бошқа ишлардан алоҳида хонада (бинода) амалга оширилади.

30. Изоляция ишлари қурилма ёки хона ичидаги бажарилганда, иш жойлари механик вентиляция тармоғи ва маҳаллий ёритиш ускунаси билан таъминланади.

31. Иссик битумдан фойдаланган ҳолда изоляция ишлари олиб борилганда, ишчилар оёқ кийим, брезентдан тайёрланган шим ва костюм билан таъминланади.

32. Шиша қипиқли матолар, асбест қолдиқлари ва цементлар иш жойларига сочилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида маҳсус идишларда етказиб берилади.

33. Емирилишга қарши ишлар сурувчи-чиқарувчи вентиляция тармоғи билан таъминланган ҳолда механизациялаштирилган технологик жараёнларда олиб борилади.

5-§. Бўяш ишларини бажариш

34. Курилиш майдонида бўяш ишларини олиб бориш учун фойдаланиладиган бино ҳавосидаги заарли моддалар миқдори СанҚвАН 0294-11 «Иш жойлари ҳавосидаги заарли моддалар рухсат этилган миқдорининг гигиена нормативлари»да белгиланган миқдордан ошмаслиги керак.

Бўяш ишлари олиб борилаётган бинода ШНҚ 2.04.05 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаши» талабига мувофиқ вентиляция тармоғи ўрнатилади ҳамда юувучи воситалар ва иссиқ сув билан таъминланади.

Бўёқ таркибини тайёрлашга мўлжалланган кўчма қурилмалардан фойдаланиш вентиляция тармоғи ташкил этилган жойларда амалга оширилади.

35. Бўёқ таркибини тайёрлаш ишлари ишчилар саломатлигига зарар етишининг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган техник талаблар ҳамда санитария-эпидемиологик талабларга мувофиқ бўлган эритмалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

36. Курилишнинг технологик жараёнлари ўзгаришига олиб келмайдиган ҳолларда, ишлатиладиган заарли моддаларни қўйида кўрсатилган заарлилик даражаси кам бўлган ва хавфсиз моддалар билан алмаштирилади:

бензолни — бензин, спирт, кетонлар ва бошқа заарлик даражаси кам бўлган эритувчиларга;

эпоксид лак-бўёқларини қаттиқлаштирувчи гексаметиленаминни — заарлик даражаси кам бўлган қаттиқлаштирувчилар (полиэтилен-полиамин, полиамид ва бошқа)га;

органик эритувчилар билан суюлтириладиган лак-бўёқларни сув билан суюлтиришга.

37. Бўяш ишлари таркибида қўрғошин мавжуд бўлмаган лак-бўёқлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

38. Бўяшга тайёрлашда ишлатиладиган бўёқ маҳсулотларидан ишчи бирикмаларини тайёрлаш жараёни вентиляция тармоғидан ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳсус қурилмаларда амалга оширилади.

39. Оғирлиги 10 кг дан ортиқ бўлган бўёқ қоришмаларини тайёрлашда идишлар механизациялаштирилган ҳолда тўлдирилади ёки қуилади.

40. Иш жойларини ташкил қилишда лак-бўёқлар билан ишлашни енгиллаштириш ва бўялган маҳсулотлар (контейнерлар, айланувчи доиралар, столлар) тегишига йўл қўймайдиган мосламаларни ўрнатиш кўзда тутилади.

41. Механизациялаштирилган бўяш ишлари респиратор ва ҳимоя кўзойнагидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади.

42. Бино ва иншоотларда ишлар резина қўлқопда олиб борилади, бўёқ қолдиқлари металл қутида йиғилиб, ўрнатилган тартибда йўқ қилиш учун хонадан олиб чиқилади.

43. Бўяш ишлари бўяш жараёнида ҳосил бўладиган аэрозол ва эритувчи чанглар таъсиридан ҳимояланиш учун ҳаво окимиға қараб олиб борилади.

44. Иш жараёнини механизациялашда ишчиларга ортиқча оғирлик тушмаслиги мақсадида бўёқ пуркагичлар оғирлиги 1 кг гача, босим кучи эса 10 Н гача бўлиши керак.

3-боб. Бино ва иншоотларни бузиш, таъмирлаш ва кенгайтириш ишларини ташкил этиш ва бажариш

45. Бино ва иншоотларни бузиш ишлари об-ҳавонинг қулай шароитларида (ер музлаган, туман ва ёмғирли вақтлар, иш жойининг кўриниш даражаси паст бўлган ҳамда шамол тезлиги 15 м/с ва ундан юқори бўлган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади.

46. Бино ва иншоотларни бузишда ҳосил бўладиган жисмлардан ҳимоя қилиш учун ишчиларда маҳсус кийимларга қўшимча равишда ҳимоя кўзойнаги бўлиши мақсадга мувофиқ.

47. Бино ва иншоотларни бузишда ҳамда чиқиндилардан тозалашда чанг ҳосил бўлишини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади.

Ҳаводаги чанг ва микроорганизмлардан (моғор, замбуруғ, микроб споралари) ишчиларнинг нафас олиш йўлларини ҳимоя қилиш учун улар ҳимоя воситалари билан таъминланади.

48. Газ ёки заарли моддалар пайдо бўлиши мумкин бўлган жойларда иш бошланишидан олдин бино ва иншоотларнинг ҳавосини алмаштириш ёки заарарсизлантириш чоралари кўрилади.

49. Бино ва иншоотлар бузилганда ҳосил бўлган жиҳозлар, шунингдек, курилиш чиқиндилари ёпиқ идишларда юк кранлари орқали туширилади ва чиқиндилар ташланадиган жойнинг атрофи ўралади.

4-боб. Ташқи мухитни муҳофаза қилиш

50. Курилиш ишлари олиб боришда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш мақсадида чиқиндисиз, кам чиқитли курилиш материалларини қайта ишлаш ва утилизация қилиш технологияларидан фойдаланилади.

51. Таркибида заарли моддалари бўлган чиқиндиларни йиғиш ва йўқотиш ишлари ёпиқ идишлар ёки қалин қопларда амалга оширилади. Оқова сувлар ташқи мухитни ифлослантиришга олиб келмайдиган сифимларда йиғилади.

52. Таркибида заарли моддалар бўлган қайта ишланмайдиган чиқиндиларни утилизация қилиш ишлари амалга оширилади.

Курилиш чиқиндиларини ёкиш ишлари курилиш олиб борилаётган майдонларда амалга оширилиши мумкин эмас.

53. Шаҳардаги курилиш майдонидан чиқадиган майший-хўжалик оқова сувлари канализация тармоғига уланади, канализация тармоғи мавжуд бўлмаган қишлоқ жойларида майший-хўжалик оқова сувлар махсус бетонланган ва сув ўтказмайдиган чуқурга йиғилади ва махсус машиналарда тозалаш иншоотларига олиб чиқилади.

54. Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, битумни сақлаш ва тарқатиш учун сифимлар бетонланган ва сув ўтказмайдиган махсус майдончага ўрнатилади ҳамда тўкилган ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини йиғиш учун махсус бетонланган чукур ёки резервуарлар ташкил этилади.

55. Курилиш майдонлари ифлосланишининг ва унда ишловчи ишчиларнинг саломатлигига жиддий заар етишининг олдини олиш мақсадида, курилиш ва майший чиқиндилар тўпланадиган жойлар (майдончалар) ташкил этилади ҳамда чиқиндилар курилиш майдонларидан мунтазам равишда олиб кетилиши лозим.

56. Курилиш чиқиндиларини вақтинча сақлаш жойлари қўйидаги талабларга жавоб берини лозим:

курилиш чиқиндилари обьектлар ҳудудида ёки унга бевосита яқин бўлган участкада жойлашган бўлиши, шунингдек турар жой биноларининг деразалари, таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари, дам олиш мажмуалари участкаларининг чегарасидан 20 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши;

махсус транспорт воситалари, машина ва механизмларнинг эркин ҳаракатланиши ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилиши ҳамда атрофи периметри бўйлаб (кириш йўлидан ташқари) вақтинчалик химоя воситалари билан ўралган бўлиши;

қайта ишланадиган ва такрорий фойдаланиладиган чиқиндиларни сақлашда ёғингарчилик ва шамол таъсиридан химояланган бўлиши керак.

5-боб. Тиббий-профилактик хизмат кўрсатиш

57. Мехнат шароитлари билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш мақсадида курилиш соҳасида ишлайдиган ишчилар Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиши тартиби тўғрисидаги **низом** (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) талаблари асосида даврий тиббий кўрикдан ўтказилади.

58. Курилиш ишлари эпидемиологик вазият нокулай бўлган жойларда олиб борилганда ишчилар юқумли касалликларга қарши профилактик эмланади.

59. Мехнат фаолиятининг хусусиятларига ва тиббий кўрик натижаларига кўра, курилиш соҳасида ишлайдиган ишчилар учун даволаш, профилактик ва соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

60. Курилиш майдонлари ва майший бинолар бирламчи тиббий ёрдам воситалари билан жиҳозланади. Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиладиган хона ёритилган бўлиши, осонлик билан кириш, қурилиш маҳсулотлари билан тўсиб қўйилмаган, ҳимоя малҳамлари, заҳарларга қарши антидотлар, боғлов ва шахсий ҳимоя воситалари захираси яратилган бўлиши керак.

6-боб. Махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш

61. Ишчиларга берилган шахсий ҳимоя воситаларини сақлаш учун махсус хоналар ташкил этилади.

62. Иш берувчи шахсий ҳимоя воситаларининг тўғри сақланишини, махсус кийим ва пойабзалларни ҳамда бошқа шахсий ҳимоя воситаларини кимёвий тозалаш, ювиш, таъмирлаш, чангдан тозалаш, газсизлантириш ва заарсизлантириш ишларини амалга оширилишини таъминлайди.

Иш шароити талабидан келиб чиқиб, махсус кийим ва пойабзалларни қуритиш, чангдан тозалаш ҳамда шахсий ҳимоя воситаларини газсизлантириш ва заарсизлантириш учун мосламалар ташкил этилади.

63. Тана ифлосланиши билан боғлиқ иш билан шуғулланадиган ишчилар учун юувучи ва заарсизлантирувчи воситалар бўлиши лозим.

Кўл ювиш жойига совун қўйилиши, сочиқ доимий равища алмаштирилиб борилиши ёки қўлни қуритиш қурилмаси ўрнатилиши лозим. Кўл терисига таъсир қиласидан моддалар билан ишлаганда, ишчилар профилактик пасталар ва малҳамлар ҳамда юувучи ва заарсизлантирувчи воситалар билан таъминланади.

64. Умумий заарли бўлган ишлаб чиқариш ифлосланишидан ва механик шикастланишдан ҳимоя қилиш учун қуйидагилар назарда тутилади:

терининг умумий ифлосланишдан, механик шикастланишдан ва намлиқдан ҳимоя қилиш учун махсус кийимлар (фартук, қўлқоп, қаттиқ тагликли чарм пойабзал ва бошқалар), шу жумладан, эркаклар ва аёллар учун костюмлар (куртка, шим ёки ярим комбинезон);

пайвандловчилар учун костюм, чарм этик, диэлектрик тагликли сирпанмайдиган махсус пойабзал;

chanгдан юқори даражада ҳимоя қилиш хусусиятига эга бўлган махсус кийимлар, резинали матодан қилинган фартуклар, сувни ўтказмайдиган қўлқоплар;

намлиқдан ҳимоя қилиш мақсадида бўяш ва суваш ишларини бажарувчилар учун сув ўтказмайдиган матодан костюм;

бетон тайёрловчи, бургулаш ишлари билан шуғулланувчи, портлатувчи ва шунга ўхшаш соҳа мутахассисларига сув ўтказмайдиган матодан костюм, енгли куртка, шим, резина этик.

65. Бўёқлар, эритувчилар, нефть маҳсулотлари ва бошқа кимёвий моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилинадиган, сув ўтказмайдиган матодан ишланган, кимёвий моддаларнинг таъсирига чидамли, осон тозаланадиган ва заарсизлантириш мумкин бўлган костюмлардан, брезентдан тайёрланган ёки кислотадан ҳимоя қилувчи қўлқоплардан фойдаланилади.

66. Иш ҳолатининг хусусияти бўйича иш жойларида ишлаётганларга (асфальтбетон қорувчилар, полларда паркет терувчилар ва бошқалар) махсус кийим мажмуасига тиззани ҳимоя қилувчи мосламалари қўшилади.

67. Респиратор хонаси респираторларни қабул қилиш, тарқатиш ва таъмирлаш учун столлар, чангдан тозалаш ва чанг қаршилигини назорат қилиш мосламаси, ювиш ва қуритиш учун ускуналар ҳамда респираторларни сақлаш учун махсус шкаф билан жиҳозланади.

7-боб. Майший биноларга қўйилган талаблар

68. Курилиш қилинадиган бино ва иншоотлар ишлари бошланишидан олдин ушбу худудда майший бинолар ташкил этилади.

69. Майший биноларнинг таркиби ШНҚ 2.09.04 «Корхонанинг маъмурий ва майший бинолари» талабларига мувофиқ қурилиш жараёни ва уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

70. Маиший биноларнинг жойлашиши ва жиҳозланишида қурилиш майдонида ишлайтган ишчилар сони, иш жойидан узоқлиги, смена сони, тушлик ва сменалар оралиғидаги танаффуслар, шунингдек, айрим турдаги санитария-техник воситалардан фойдаланишлар ҳисобга олинади.

71. Қурилиш ишлари олиб боришда маиший бинолар ташқи мұхитдаги чанг, заарарлы моддалар чиқарадиган жойлардан камида 50 метр масофада ташкил этилади, бунда уларни шамол эсадиган томонда жойлаштирилиши мақсадға мувофиқ бўлади.

72. Маиший биноларга ўтиш хавфли ҳудудларни (қурилаётган бинолар, сигнализация мосламаси бўлмаган темир йўллар, минора кранлари, юкни ортиш-тушириш қурилмалари ва бошқа) кесиб ўтмаган ҳолда амалга оширилади.

73. Ошхона, ювениш, чўмилиш ва кир ювиш хоналари, ҳожатхона ҳамда аёлларнинг шахсий гигиена хонаси поллари намлиқка чидамли жиҳозлардан, сув оқиб кетиш имкони бўладиган қилиб ташкил этилади.

Деворлар, девор оралиғи ва жиҳозлари намлиқка чидамли, осон тозаланадиган ва дезинфекция қилинишига имкон берадиган маҳсулотлардан тайёрланади.

Маиший бинолар ШНҚ 3.01.01 «Қурилиш ишлаб чиқаришини ташкил қилиш» да талаблари асосида ишлаб чиқарилган лойиха ҳужжатларига риоя қилган ҳолда ташкил этилади.

74. Маиший бинонинг кўчадан кириш қисмida пойабзалларни тозалаш ва ювиш учун мосламалар ўрнатилади.

75. Чўмилиш ва ювениш хоналари, ҳожатхона ҳамда кийимларни сақлаш хоналари эркак ва аёллар учун алоҳида ташкил этилади.

76. Маиший бино хоналарда сув, канализация ва иситиш тармоқлари ташкил этилади.

77. Қурилиш ишчилари «Ичимлик суви. Гигиеник талаблар ва сифатини назорат қилиш» O'z DSt 950-сон давлат стандарти талабига жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминланади.

Ичимлик суви қурилмалари (фавворалар ва бошқа) иш жойидан 75 метрдан узоқ бўлмаган масофада, күёш нурлари ва ёғингарчиликдан сақланадиган жойда ўрнатилади.

Баландликда ишлайдиган ишчилар, шунингдек, тупроқ қазиш ва йўл қуриш техникалари ҳайдовчилари ва бошқалар ишлаш шароитига кўра иш жойини тарқ этиш имконияти бўлмаса, ичимлик суви билан таъминланади.

Ичимлик суви билан таъминлашнинг имкони бўлмаган қурилиш майдонларида қайнатилган сувни тайёрлаш қурилмаси ўрнатилади. Бунда, ичимлик сувининг ҳарорати 8°C дан кам 20°C дан юқори бўлмаслиги ҳамда унинг миқдори қишида бир ишчи учун ўртача 1,0 — 1,2 литрни, ёзда 3,0 — 3,5 литрни ташкил этиши инобатга олинади.

78. Маиший бинода ишчилар сони ҳисобидан уй ва маҳсус кийимларни алоҳида сақлаш жойлари (шкаф ва кийим илгич) ташкил этилади. Бунда, тоза ва ифлосланган кийимларнинг алоҳида сақланиши таъминланади. Шунингдек, бинода кундалик тозалаш ҳамда дезинфекция ва дезинсекция тадбирларни ўтказилади.

79. Маҳсус кийим ва пойабзалларни смена бошлангунга қадар тўлиқ қуритиш имкониятига эга бўлган маҳсус кийим ва пойабзалларни қуритиш хоналари ташкил этилади.

Маҳсус кийимлар бир ойда камида икки марта ювенишини ҳисобга олган ҳолда кир ювиш хоналари ташкил этилади. Агар ишнинг хусусиятига кўра, маҳсус кийимлар жуда ҳам ифлос бўлиши мумкин бўлса, унда кийимлар тез-тез ювуб турилади. Кукунсимон ва зарарли моддалар билан ишлайдиган ишчиларнинг маҳсус кийимлари бошқа кийимлардан алоҳида ҳар бир сменадан сўнг ювилади, қиши фаслида эса кимёвий усулда тозаланади.

80. Маиший бинолар маҳсус кийимларни чангдан тозалаш, заарсизлантириш, кимёвий тозалаш ва таъмирлаш хоналаридаги ифлосланган ҳавони бошқа хоналарга ўтишига йўл қўймайдиган вентиляция тармоғини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади.

81. Маиший биноларда терининг замбуруғ қасалликлари келиб чиқишининг олдини олиш чоралари кўрилади. Кийимларни алмаштириш ва чўмилиш хоналарининг деворлари, поллари ва жиҳозлари ҳар бир сменадан кейин ювилади ва дезинфекция қилинади.

82. Қурилиш ишчиларига хизмат кўрсатадиган тиббиёт хоналари ШНҚ 2.09.04 «Корхонанинг маъмурӣ ва майший бинолари»да белгиланган талабларга мувофиқ майший бино таркибида тез ёрдам машинаси учун қулай бўлган кириш жойида ташкил этилади.

83. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати мазкур санитария қоидаларининг [иловасида](#) келтирилган.

Қурилиш ишларини ташкил қилиш бўйича санитария қоидалари, нормалари ва гигиена
нормативларига
ИЛОВА

Ишлаб чиқувчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати.